# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Корхона ва ташкилотларнинг жамоалари, фермерлар, ўқувчи ёшлар ҳамда шаҳарча, қишлоқ, овул ва маҳалла фуқаролар йиғинларининг фаоллари билан сенаторлар ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатларининг ҳамма ерда бўлиб ўтган учрашувларида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг мамлакатимиз мустақиллигининг 16 йиллигига бағишлаб жорий йилнинг 30 августида бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги маърузасидан келиб чиқадиган қоида ва хулосалар тушунтирилди.

Мазкур Дастурнинг ижро этилиши асносида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига амалий ёрдам кўрсатганликлари Кенгаш мажлисида алоҳида қайд этилди. Хусусан, фуқаролар йиғинлари раисларининг (оқсоқолларининг) ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий билимларини ошириш мақсадида амалий машғулотлар ҳамда семинарлар ўтказилди. Туман ва шаҳар ҳокимликлари кўмагида фуқаролар йиғинларида корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар раҳбарларининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва ободонлаштириш муаммолари юзасидан ҳисоботлари тингланди. Мажбурий коммунал тўловлар тўланишини таъминлаш, иссиқлик ва электр энергиясидан, иссиқ ва совуқ сувдан, табиий газдан тежамкорлик билан фойдаланилишига эришиш борасида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари билан ҳамкорлиги йўлга қўйилмоқда. Қорақалпоғистон Республикаси, Фарғона, Самарқанд вилоятлари ва Тошкент шаҳрида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига мўлжаллаб бинолар қуришга киришилди, маҳалла қўмиталарини ташкилий-техника ҳамда тегишли адабиётлар билан таъминлаш, "Маънавият ва маърифат" хоналарини жиҳозлаш юзасидан зарур чоралар кўрилди. Самарқанд, Сирдарё вилоятлари ва Тошкент шаҳрида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини ташкил этишда ижобий тажриба тўпланди. Чунончи, Самарқанд шаҳридаги "Мир Саид Барака" маҳалласида коммунал тўловлар тўлашдан тушаётган маблағларнинг бир қисмини кам таъминланган оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга йўналтириш тажрибаси қўлланмоқда. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини такомиллаштириш мақсадида Сирдарё вилоятида маҳалла қўмиталари оқсоқолларининг кўрик-танловлари ўтказилди. Ижтимоий соҳага тааллуқли, коммунал хизматлар тўлови, уйларнинг атрофини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ҳамда уйларни намунали сақлаш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда маҳалла қўмиталари билан хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ҳамкорлигини таъминлаш учун Тошкент шаҳар ҳокими томонидан махсус қарор қабул қилинди.

Шу билан бирга, мажлис аҳли Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини такомиллаштиришга доир 2007–2008 йилларга мўлжалланган ҳаракат дастури маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ижро этилишида қийинчилик ва муаммолар ҳам борлигига эътибор қаратди. Сенаторлар шу муносабат билан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари мазкур Дастур ижроси юзасидан қабул қилинган тадбирлар режалари ўз вақтида бажарилишига йўналтирилган ташкилий ишларни кучайтириши муҳим эканлигига урғу бериб, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини кучайтириш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларни долзарб мавзулардаги адабиётлар, шунингдек газета ва журналлар билан таъминлаш борасидаги собитқадам ишлари давом эттирилиши зарур эканлигини таъкидладилар. Мажлис иштирокчилари аҳоли ўртасида ўтказилаётган оммавий-сиёсий, маънавий-маърифий, маданий, спорт йўналишидаги ва бошқа тадбирларнинг самарадорлигини оширишга, аҳолининг мамлакат ижтимоий ва сиёсий ҳаётидаги иштироки кўламларини кенгайтиришга, фуқаролар йиғинларининг фаолияти оммавий ахборот воситаларида ёритилиши сифатини яхшилашга, уларнинг ижобий иш тажрибаларини умумлаштириш ва оммалаштиришга қаратилган аниқ таклифлар ҳам билдирдилар.

Сайёр мажлис якунлари асосида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Кенгаши маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолиятини янада кучайтиришга, шунингдек, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини такомиллаштиришга доир 2007–2008 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастури бажарилишини таъминлашга қаратилган тегишли қарор қабул қилди.

Кенгаш мажлисида сенаторлар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ташкилий-назорат гуруҳлари раҳбарлари, "Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлимлари раислари, номи юқорида зикр этилган Дастур ижроси учун масъул ташкилотларнинг раҳбарлари, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари ва шаҳар фаоллари, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этдилар.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг матбуот хизмати.**

# ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси томонидан биринчи ўқишда қабул қилинган "Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш тўғрисида"ги янги қонун лойиҳаси ҳам айнан шу мақсадга йўналтирилган. Мазкур ҳужжат фуқароларимизга кўрсатилаётган суғурта хизматлари самарадорлигини юксалтириш, транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш орқали юридик ва жисмоний шахсларга йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлиши натижасида ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкига етказилган зарарни қоплаш учун имконият яратишга қаратилган.

Йиғилишда транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталашнинг самарали йўлларини излаб топиш, бу борада ушбу қонун лойиҳаси нормаларини янада такомиллаштириш юзасидан таклиф ва фикр-мулоҳазалар билдирилди.

x x x

**Парламент қуйи палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси ўтказган семинар давлат ҳокимияти органлари ва жамоатчилик ўртасидаги алоқаларни ривожлантиришда матбуот хизматларининг ўрни ва аҳамиятига бағишланди. Уни мазкур қўмита раиси Х. Дўстмуҳамедов бошқарди.**

Семинарда Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, жамоат ташкилотлари, тегишли вазирлик ва идораларнинг матбуот хизматлари раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Анжуманда кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш ҳамда ҳаётимизнинг барча жабҳаларини либераллаштиришда, ахборот очиқлиги ва эркинлиги шароитида матбуот хизматлари томонидан давлат ҳокимияти органлари фаолиятини оммалаштириш, унинг жамоатчилик билан алоқаларини ривожлантириш масалалари, мавжуд муаммолар ва уларнинг ечимлари ҳақида сўз юритилди.

Жамоатчиликни ахборот билан таъминлашнинг ҳуқуқий асослари, парламент матбуот хизмати, Қонунчилик палатасининг жамоатчилик билан алоқаларини ривожлантиришда оммавий ахборот воситаларининг ўрни, ижроия ҳокимият тизимида матбуот хизмати каби мавзулар юзасидан фикр алмашилди.

**(ЎзА).**

*23 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни*

# Сайлов қонунчилигини ўрганамиз

***— Сайлов кампаниясида ошкоралик қандай таъминланади?***

— Бутун сайлов кампанияси кенг ошкоралик асосида тузилади. Ҳар бир сайловчи сайлов давомида сайлов округлари ва участкаларини тузишга, сайлов комиссияларининг таркиби, комиссиялар жойлашган манзил ва иш вақтига, номзодларни рўйхатга олиш, овоз бериш ва сайлов якунларига доир ахборотни излаш, олиш ва тарқатиш ҳуқуқига эга.

Тегишли сайлов комиссияларининг сайлов округлари ва сайлов участкаларини тузиш, сайлов комиссияларининг таркиби тўғрисидаги, шунингдек, номзодларни рўйхатга олиш, овоз бериш ва сайлов якунлари ҳақидаги қарорлари матбуотда эълон қилинади.

**(«Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 14-моддаси).**

...Ўзбекистон Республикасининг оммавий ахборот воситалари сайловга тайёргарликнинг бориши ва сайлов қандай ўтаётганлигини ёритиб борадилар.

Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шунингдек, ҳар бир сайлов участкасида сайлов куни овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқишда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатган сиёсий партиялардан, сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан биттадан кузатувчи, матбуот, телевидение ва радио вакиллари, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан кузатувчилар қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар.

**(«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддаси).**

***— Сайловчилар рўйхати қандай тузилади?***

— Сайловчилар рўйхатини ҳар бир сайлов участкасида участка сайлов комиссияси тузади ҳамда унинг раиси ва котиби имзолайди. Участка сайлов комиссияси жамоатчилик вакилларини рўйхат тузиш ишида қатнашишга жалб этиши мумкин.

Туман ва шаҳар ҳокимликлари сайловчилар ҳисобга олинишини таъминлайдилар ва участка сайлов комиссияларига тегишли ҳудудда яшайдиган сайловчилар тўғрисида сайловчиларнинг рўйхатини тузиш учун зарур маълумотларни берадилар.

...Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида, санаторий ва дам олиш уйларида, касалхоналарда ва бошқа доимий ишлайдиган даволаш муассасаларида тузилган сайлов участкалари бўйича сайловчиларнинг рўйхати мазкур муассасаларнинг раҳбарлари томонидан тақдим этиладиган маълумотлар асосида тузилади.

Сайловчилар рўйхатида сайловчиларнинг фамилиялари овоз беришни уюштириш учун қулай тартибда кўрсатилади.

**(«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 22-моддаси).**

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Матбуот маркази билан ҳамкорликда тайёрланди.

# ФИДОКОРЛАР МДП МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ МАЖЛИСИ

Тошкентда 29 сентябрь куни Фидокорлар миллий демократик партияси Марказий кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлари, партия фаоллари иштирок этди.

Мажлисда Фидокорлар миллий демократик партиясининг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кампаниясида иштирок этиши тўғрисида қарор қабул қилинди.

Мазкур сайлов Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш борасида катта аҳамиятга эга муҳим сиёсий воқеадир. Йиғилишда сўзга чиққанлар бўлажак сайловда иштирок этиши ушбу партия учун ижтимоий-сиёсий етуклик синови, демократия мактаби бўлиб хизмат қилишини таъкидладилар.

Мажлисда, шунингдек, 2007 йилнинг октябрь ойида партиянинг навбатдаги съездини чақириш ва Фидокорлар МДП Марказий кенгашининг биринчи котиби, ушбу сиёсий партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси раҳбари Аҳтам Турсуновнинг номзодини Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод сифатида кўрсатиш учун съезд муҳокамасига қўйиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

**(ЎзА).**

# «МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИНИНГ ПЛЕНУМИ

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгашининг Тошкентда 2 октябрь куни бўлиб ўтган пленумида ушбу партиянинг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштироки тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Унда мазкур партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлари, партия фаоллари иштирок этди.

Тадбир иштирокчилари ўз чиқишларида 2007 йилнинг 23 декабрида бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим воқеа ҳамда Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик ислоҳотларни чуқурлаштиришда улкан аҳамиятга эга бўлишини таъкидладилар. Шу сабабли "Миллий тикланиш" демократик партияси бўлажак сайловда фаол иштирок этишни ўзининг биринчи галдаги вазифаси деб билади ва бу партия учун мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизация қилиш жараёнида ўзини янада яққол намоён этиш имконини беради, деб ҳисоблайди.

Пленумда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кампаниясида иштирок этиши тўғрисида қарор қабул қилинди.

Пленум партиянинг навбатдаги съездини чақириш ва "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгашининг раиси, ушбу сиёсий партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси раҳбари Хуршид Дўстмуҳамедов номзодини Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод сифатида кўрсатиш учун съезд муҳокамасига қўйиш тўғрисида қарор қабул қилди.

**(ЎзА).**

# ЯНГИ ТЎПЛАМЛАР ТАҚДИМОТИ

Пойтахтимиздаги Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили томонидан ЕХҲТ лойиҳаларининг мамлакатимиздаги мувофиқлаштирувчиси офиси билан ҳамкорликда тайёрланган "Дунё омбудсманлари" ва "Омбудсмани мира" тўпламларининг тақдимоти бўлиб ўтди.

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Омбудсман котибияти ходимлари, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили институтининг ҳамкор ташкилотлари, нодавлат ташкилотлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирда парламент Омбудсмани институти фаолиятининг асосий йўналишларидан бири жамиятда ахборот-маърифат фаолиятини амалга ошириш, инсон ҳуқуқларига оид материалларни чоп этиш ва жорий этиш ҳисобланиши таъкидланди. Тўпламга дунёнинг йигирмадан ортиқ давлати омбудсманлари, олимлари ва амалиётчиларининг материаллари киритилган. Ушбу материалларда Ўзбекистон тажрибаси ҳам ўз ифодасини топган. Халқаро экспертларнинг фикрича, бу борада Ўзбекистон тажрибаси эътиборга лойиқ ва у Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил институти ташкил топишининг асосий босқичларини акс эттирган.

Тақдимот маросимида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) С. Рашидова, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ректори Ҳ. Кароматов ва бошқалар нашрнинг долзарблиги ҳамда ушбу мавзу бўйича янги китобларни тайёрлаш зарурлигини қайд этди.

**Т. БОТИРБЕКОВ,**
**ЎзА мухбири.**

Қирқиш чизиғи

томобиль йўлларидаги бошқа иншоотларни таъмирлаш ва сақлаш мазкур иншоотлар қайси юридик шахслар ихтиёрида бўлса, ўша юридик шахслар томонидан амалга оширилади.

**16-модда. Йўл ташкилотларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

Ноқулай об-ҳаво-иқлим шароитларида, табиий офатлар, ёнғинлар юз берганда, автомобиль йўли кўтариш қобилиятини йўқотганда ва бошқа шунга ўхшаш ҳолларда, шунингдек таъмирлаш-қурилиш ишлари олиб борилаётганда йўл ташкилотлари маҳаллий давлат ҳокимияти органларига бу ҳақда билдирган, автомобиль йўлларидан фойдаланувчиларни оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилиш билан хабардор қилган ҳамда тегишли белгилар ўрнатган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ва Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги бўлинмалари билан биргаликда транспорт воситалари ҳаракатини чеклаш ёки тақиқлаш ҳуқуқига эга.

Йўл ташкилотлари автомобиль йўлларининг соз ҳолатда бўлишини, улардан транспорт воситалари муттасил ва хавфсиз ўтишини таъминлаши шарт.

**5-боб. Автомобиль йўлларидан фойдаланиш**

**17-модда. Автомобиль йўлларидан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари**

Автомобиль йўлларидан фойдаланувчилар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларидан, шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларининг кўчаларидан, шунингдек бошқа шахслар фойдаланиши учун очиқ бўлган хўжалик автомобиль йўлларидан ўтиш;

10

Буклаш чизиғи

Ўзбекистон Республикаси вилоятлари ва туманларининг маъмурий марказлари, вилоятга бўйсунувчи шаҳарлар, маданият ҳамда саноат марказлари ўртасида транспорт қатновини таъминлайдиган, мазкур марказларни эса, халқаро аҳамиятга молик йўллар билан, аэропортлар, темир йўл станциялари, портлар ва кема тўхташ жойлари, шунингдек қўшни давлатлар билан боғлайдиган йўллар давлат аҳамиятига молик автомобиль йўллари жумласига киради.

Туманларнинг маъмурий марказларини шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар билан, шунингдек давлат аҳамиятига молик йўллар билан боғлайдиган йўллар маҳаллий аҳамиятга молик автомобиль йўллари жумласига киради.

Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари махсус ваколатли орган ихтиёрида бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари рўйхати белгиланган тартибда тасдиқланади.

**10-модда. Шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларининг кўчалари**

Шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларининг кўчалари шаҳарлар, шаҳар посёлкалари, қишлоқлар ва овуллар доирасида ўтади, мазкур кўчаларнинг Ўзбекистон Республикасининг умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари рўйхатига белгиланган тартибда киритилган участкалари бундан мустасно.

Шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларининг кўчалари давлат мулки бўлиб, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ихтиёрида бўлади.

**11-модда. Хўжалик автомобиль йўллари**

Хўжалик автомобиль йўллари давлат ёки юридик ва жисмоний шахсларнинг мулкидир. Технологик мақсадларга хизмат қиладиган йўллар, шохобча, хизмат, патруль ва бошқа шунга ўхшаш автомобиль йўллари хўжалик автомобиль йўллари жумласига киради.

7

Қирқиш чизиғи

Ўзбекистон Республикасининг

ҚОНУНИ

# Автомобиль йўллари тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2007 йил 29 июнда қабул қилинган

Сенат томонидан 2007 йил 24 августда маъқулланган

**1-боб. Умумий қоидалар**

**1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонуннинг мақсади автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш, сақлаш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги (бундан буён матнда автомобиль йўллари соҳасидаги деб юритилади) муносабатларни тартибга солишдан иборат.

**2-модда. Автомобиль йўллари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари**

Автомобиль йўллари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

2

Буклаш чизиғи

ажратилган минтақадаги дов-дарахтларни асраш ва сақлашга кўмаклашишлари;

автомобиль йўлига туташ буталарни парвариш қилишлари ва иморатларни соз ҳолатда сақлашлари шарт.

Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлига туташ ер участкаларининг мулкдорлари, эгалари ва улардан фойдаланувчилар автомобиль йўли ўқидан эллик метрдан кам бўлган масофада тошлар, шох-шабба, конструкциялар ва бошқа материаллар тўпланишига йўл қўймасликлари шарт.

**25-модда. Автомобиль йўлларидан фойдаланиш тартибига риоя қилмаганлик учун юридик ва жисмоний шахсларнинг жавобгарлиги**

Автомобиль йўллари қайси юридик ва жисмоний шахслар ихтиёрида бўлса, ўша юридик ва жисмоний шахслар автомобиль йўлларидан фойдаланувчиларга автомобиль йўлидаги носозликлар туфайли етказилган зарарнинг ўрнини белгиланган тартибда қоплаши шарт.

Автомобиль йўлидан ўтиш шароитларининг ёмонлашишига сабаб бўладиган ишларни бажараётган юридик ва жисмоний шахслар автомобиль йўлларидан фойдаланиш тартибига риоя этмаганлик, шунингдек автомобиль йўлининг тегишли участкаларида ва айланиб ўтиш жойларида транспорт воситаларининг хавфсиз ҳаракатланишини таъминламаганлик учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

**6-боб. Якунловчи қоидалар**

**26-модда. Низоларни ҳал этиш**

Автомобиль йўллари соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

15

Қирқиш чизиғи

фойдаланиш тартиби маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан белгиланади.

Хўжалик автомобиль йўлларидан фойдаланиш тартиби мазкур автомобиль йўллари қайси юридик ва жисмоний шахслар ихтиёрида бўлса, ўша юридик ва жисмоний шахслар томонидан белгиланади.

Автомобиль йўлларидан ўқига тушадиган юк ва оғирлиги белгиланган нормалардан ортиқ бўлмаган транспорт воситалари, ўзиюрар машиналар ҳамда механизмларнинг ўтишига рухсат берилади.

Ўқига тушадиган юк ва ўлчамлари муайян автомобиль йўли учун белгиланган нормалардан ортиқ бўлган транспорт воситаларининг ўтиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳақ ундирилади. Автомобиль йўли элементлари шикастланган тақдирда, автомобиль йўлидан фойдаланиш учун рухсат берилганлиги бундай транспорт воситалари эгаларини жавобгарликдан озод этмайди.

Чет давлатлар транспорт воситаларининг автомобиль йўлларидан ўтиши қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

**21-модда. Автомобиль йўлларидан уларнинг асосий вазифаси билан боғлиқ бўлмаган ҳолларда фойдаланиш**

Автомобиль йўлларидан уларнинг асосий вазифаси билан боғлиқ бўлмаган ҳолларда фойдаланиш автомобиль йўллари қайси юридик ва жисмоний шахслар ихтиёрида бўлса, ўша юридик ва жисмоний шахслар томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

Агар қонунда бошқача ҳол назарда тутилмаган бўлса, автомобиль йўллари қайси юридик ва жисмоний шахслар ихтиёрида бўлса, ўша юридик ва жисмоний шахслар билан келишмасдан туриб:

ажратилган минтақада йўл ахборотига алоқаси бўлмаган

12

Буклаш чизиғи

**6-модда. Махсус ваколатли органнинг ваколатлари**

Махсус ваколатли орган:

умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини ривожлантириш давлат дастурларини ишлаб чиқади ва амалга оширади;

автомобиль йўллари тармоқларини ривожлантириш ва такомиллаштириш истиқболларини белгилайди;

автомобиль йўллари соҳасида ягона техника сиёсатини олиб боради;

умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини лойиҳалаш соҳасидаги нормалар ва стандартларга риоя этилишини таъминлайди;

умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва сақлаш сифати устидан назоратни амалга оширади;

умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари давлат кадастрини юритади;

Ўзбекистон Республикасининг умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари рўйхати бўйича таклифлар ишлаб чиқади ва уларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритади;

автомобиль йўллари соҳасида кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ишларини амалга оширади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

**7-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг автомобиль йўллари соҳасидаги ваколатлари**

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари:

шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларининг транспорт инфратузилмасини ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқади ҳамда амалга оширади;

шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларининг кўчаларини

5

Қирқиш чизиғи

диган автомобиль йўллари. Хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўллари, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ихтиёрида бўлади.

**2-боб. Автомобиль йўллари соҳасини бошқариш**

**4-модда. Автомобиль йўллари соҳасида давлат бошқаруви**

Автомобиль йўллари соҳасида давлат бошқаруви Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари соҳасидаги махсус ваколатли орган (бундан буён матнда махсус ваколатли орган деб юритилади), шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан амалга оширилади.

**5-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг автомобиль йўллари соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

автомобиль йўллари соҳасидаги давлат дастурларини тасдиқлайди;

давлат бошқаруви органларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг автомобиль йўллари соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириб боради;

Ўзбекистон Республикасининг умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари рўйхатини тасдиқлайди;

автомобиль йўллари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга ошириш тартибини белгилайди;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

4

Буклаш чизиғи

реклама пештахталари, пешлавҳалар, эълонлар ўрнатиш ва жойлаштиришга;

спорт мусобақалари ва жамоатчилик тадбирлари ўтказишга;

ажратилган минтақа доирасида кўкаламзорлаштириш ишларини олиб боришга;

каналлар, алоқа ва электр узатиш линиялари, қувурлар, темир йўллар ҳамда бошқа коммуникацияларнинг автомобиль йўлларини кесиб ўтишига;

туташадиган ва ажралиб чиқадиган йўллар қуришга;

кўприклар ва сув қувурлари яқинида мелиорация ҳамда бошқа мақсадлар учун дарёлар ва зовурларнинг ўзанларини чуқурлаштиришга;

автомобиль йўлига қўшилиб кетган шлюзлар, тўғонлар ва бошқа мелиорация ҳамда гидротехника иншоотларини таъмирлашга;

автомобиль йўллари четларида ҳамда йўл кўтармалари ёки ўйимларининг қияликларида жойлашган, фойдаланилаётган алоқа ва электр узатиш линияларини реконструкция қилиш ишларини бажаришга йўл қўйилмайди.

**22-модда. Ажратилган минтақадан фойдаланиш тартиби**

Агар қонунда бошқача ҳол назарда тутилмаган бўлса, ажратилган минтақадан унда ишлар бажариш учун автомобиль йўли қайси юридик ва жисмоний шахслар ихтиёрида бўлса, фақат ўша юридик ва жисмоний шахсларнинг рухсати билан фойдаланилиши мумкин.

Ажратилган минтақанинг участкалари атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва ҳаракат хавфсизлиги қоидалари талабларини таъминлаш шарти билан сервис объектларини жойлаштириш учун вақтинча фойдаланишга белгиланган тартибда берилиши мумкин.

13

# МУНОСИБ ҲАЁТ КАФОЛАТИ

> *Одамзод ўз умри давомида қандай ютуқ ва натижаларга эришмасин, қаерда, қайси лавозимда ишламасин, мактаб бағрида кечган йиллари, олган таълим-тарбияси унинг етук инсон ва малакали мутахассис бўлиб шаклланишида нақадар беқиёс аҳамиятга эга эканини барчамиз яхши англаймиз. Мактаб деган улуғ даргоҳнинг инсон улғайиши ва жамият тараққиётидаги ҳиссаси ва таъсирини ҳеч нарса билан ўлчаб, қиёслаб бўлмайди, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.*
>
> **Ислом КАРИМОВ.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

кетишдан асраган, атрофимизни билим нурлари билан ёритиб яшашга ўргатган муаллимни ҳақли равишда ҳаётимизнинг ҳаракатлантирувчи кучи десак, муболаға бўлмас. Бугунги ўқитувчи — фидойилик тимсоли. Чунки бундан 10 йил аввал таълим соҳасида кенг кўламли ислоҳотлар бошланганида четда туриб унинг самара беришини эртакдек қабул қилганларга ўша оддий ўқитувчи ўз меҳнати билан бу тасаввурнинг рўё эканлигини кўрсатиб қўйди. Бу билан муаллим барчага юрт раҳбари томонидан узоқни кўзлаб, халқимизнинг бунёдкорлик кучига таяниб қабул қилинган оқилона қарорнинг тотли мевасини улашди. Фидойи муаллимлари, садоқатли ва меҳнаткаш ўқитувчилари кўп миллат юксалаверишини исботлаб берди.

Узлуксиз таълим тизимини жорий этиш орқали жамият аъзоларига ўзгариб бораётган ҳаётда муносиб яшашга шароит яратиш мақсадида ишлаб чиқилган давлат дастурларини амалга ошириш учун ўтган қисқа фурсатда давлат томонидан беш миллиард сўмдан ортиқ маблағ сарфлангани оддий муаллимга қанот бағишлаяпти. Унинг моддий аҳволи яхшиланаяпти.

Қолаверса, қишлоқ жойларда қурилаётган мактаблар ўша ҳудуддаги энг кўркам, энг салобатли, энг замонавий бинолар бўлиб бораётгани ўқитувчилар, ота-оналар қаторида ўқувчиларнинг ҳам қалбини ғурур-ифтихорга тўлдираяпти. Зеро, мурғак қалблар ўзи ҳис этган бундайин роҳатбахш ғурурдан энди шунчаки воз кечмайди. Бу ғурур уларнинг кўнглида бунёдкорлик туйғусини, ватанпарварлик ҳиссини уйғотади. Уларни яратилган шароитларга муносиб бўлишга ундаб, масъулиятини оширади. Ҳамиша амалий ҳаракатларга, ижобий натижаларга чорлайди. Пировард мақсад ҳам шу аслида.

Бир вақтлар боболаримиз коммунизм ғояси ваъда қилган тўкин ҳаёт келгусида ҳеч бўлмаса болаларига насиб этишидан умид қилиб яшаган бўлса, ҳозирда отахону онахонларимиз энг замонавий техник воситалар билан жиҳозланган мактаб парталарида ижодкор ўқитувчилар қўлида таълим олаётган болалари келажагидан кўнгли тўқ. Бунинг ҳам боиси бор, албатта.

Қурилаётган, капитал таъмирланаётган мактаблар ҳар бир ҳудуднинг, маҳалла ва қишлоқларнинг маънавий-маърифий, интеллектуал марказларига айланиб бормоқда. Бундай олиб қаралса, бир қишлоқда 200 чоғли зиёли, олий маълумотли мутахассис бўлса, уларнинг тенг ярми шу битта мактабда тўпланган. Кейинги пайтларда маҳалла аҳлининг маслаҳатгўйи, маънавий-маърифий таянчи бўлиб бораётган мактабларимиз ва уларда ишлаётган муаллимларимизнинг мавқеи ортиб бораётгани айни муддаодир.

Муҳими, битта мактаб қурилиб, замонавий жиҳозланиши билан минглаб оилаларнинг фарзандларига ўз иқтидорларини рўёбга чиқариш имконияти яратилмоқда. «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури»нинг ижроси бўйича ҳозиргача 4669 та умумтаълим мактабларида қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилди. Демак, тўрт ярим мингдан зиёд маҳаллага яхши кайфият улашилди, замонавий таълим олиш ва кўплаб спорт турлари билан шуғулланиш имконияти яратилди. Илгари нари борса туман марказларидагина мавжуд бўлган махсус тўгарак ва таълим курсларини энди ҳар бир мактабнинг ўзида ташкил этишга шароитлар яратилмоқда. Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурининг ижроси нафақат келажак авлод учун муносиб шароит яратиши, балки ота-оналар онгида ижобий ўзгаришлар ясаши, шукроналик ва масъуллик ҳиссини кучайтириши билан янада муҳимдир. Чунки буларнинг бари халқимизнинг бунёдкорлик кайфиятига ижобий таъсир этади.

— *Кейинги вақтларда муаллим маънавияти ҳақида кўп ўйлайман,* — **дейди тажрибали педагог Роҳатой Комилова.** — *Қайта қуриш деган ниқоб кийдирилган, аслида турғунлик даврида бошланган иқтисодий инқирозлар бошқа соҳалар қаторида таълим тизими ходимларини ҳам синовдан ўтказди, назаримда. Гуруч курмаксиз бўлмагани каби, таълим соҳасида фидойилар қаторида ўз касбига номуносиблари ҳам учради. Таълимга, ўқитувчига қўйилаётган талабларга жавоб бера олмаганлари секин-аста мактабларни тарк этишди. Афсуски, бу даврда ўқитувчи қадрини белгиловчи омиллар, унинг билим ва малакаси, одоби ва маънавияти билан боғлиқ эврилишлар ҳар кимга турлича таъсир этди. Айримлар жамиятда энг обрўли ҳисобланган касбнинг аҳамияти, нуфузи тушиб кетишига «муносиб ҳисса қўшиб» улгурди ҳам.*

*Бироқ баркамол авлод тарбиясига ўзини бағишлаган, қорнига эмас, қадрига ачинадиган асл педагоглар таълим тизимида юзага келган кадрлар танқислиги шароитида ҳам фидокорона меҳнат қилишда давом этдилар. Бугун ўша машаққатли меҳнатлар самараси ўлароқ, яна меҳрнинг манзили бўлган муаллимларимизга ҳамма интилаяпти, улар қадрланаяпти.*

Эндиликда ёшлар ўртасида муаллимлик касбига бўлган интилиш ҳам юксалиб бормоқда. Педагогика йўналишидаги олий таълим муассасаларида 2007 йилда бир ўринга 7-10 нафар даъвогар ҳужжат топширгани ҳам фикримизга далил бўлади. 2004 йилга нисбатан 2007 йилда ўқитувчиларнинг ойлик иш ҳақи 3,6 баробарга ошгани ва бу кўрсаткич яна ўсиб бораверишига ҳам педагоглар меҳнатини муносиб рағбатлантириш орқали улар фаолияти самарадорлигини оширишга хизмат қилаяпти.

Бугунги муаллим ўқувчи билан ишлашда ўзига хос ёндашади. Дарсларда мавзу юзасидан изланаётган ҳақиқатни (ечимни) ўқувчиларга шунчаки айтиб қўймайди. Аксинча, у ўқувчига ўша ҳақиқатни топишни ўргатса фойдалироқ бўлишини ва шунда кўпроқ ҳурмат қозонишини яхши билади. Шу боис у дарсга мукаммал санъат асари сифатида қараб, озгина билиш учун кўп ўқиб-ўрганишдан қочмайди. «Илм кўпга, ҳунар кўкка етказар» дея тиним билмайди. Шогирдлари камолидан қувониб, куч олиб яшайди. Шу тариқа эл назарига тушади. Шу эл назари энди уни руҳлантиради, янада юксакроқ парвозларга ундайди.

**Учқўрғон туманидаги чекка қишлоқ мактаби муаллими Бахтиёр Абдураҳмонов шундай дейди:**

— *Ҳали эсимизда, боламизнинг тиши оғриб қолса, шу куни ишдан қолиб, туман марказидаги поликлиникага олиб борардик. У ерда навбат кутиб, кунни кеч қилиб, уйга қайтардик. Бора-бора арзимас, бироқ муҳим бир шундай тиббий ёрдам учун кунларимизни йўқотишдан қочиб, шифокорга боришга шошилмайдиган, бунга ҳафсала қилмайдиган бўлиб кетдик. Эндичи, ислоҳотлар натижаси ўлароқ, ҳар бир мактабнинг тиббиёт хонаси ва малакали шифокори бор. Қишлоқлардаги врачлик пунктларида нафақат ташхис, балки даволаниш имкониятлари мавжуд.*

*Мактабимизнинг компьютер синфини кўришга келган маҳалла фаолларидан бири, 90 ёшли Ботирали ота компьютерга ишора қилиб, «Болалар мана шу телевизордан дарс оладими энди?» деб сўраганида, биз «Ҳа, ҳозирча. Келажакда болалар уйларида ўтириб бундан ҳам мукаммал техник воситалар орқали таълим оладиган бўлади», дея жавоб қилдик. «Илоҳим, шундай бўлсин!» дея дуо қилдилар. Айни пайтда 50 фоиздан зиёд мактабларнинг замонавий компьютерлар билан таъминлангани, 60 фоиздан ортиғи физика ва кимё фани лаборатория кабинетлари билан жиҳозлангани, дарсликлар билан таъминланиш 98,6 фоизга етгани ана шундай самимий дуолар ижобати деб биламан.*

Бундан йигирма йил олдин спорт мусобақаларига ўқувчилар жамоаларини жалб этишда биргина омил, яъни мактабнинг спорт зали ёки футбол майдончаси мавжудлиги инобатга олинарди. Спорт зали бор мактаблар ўзаро келишиб, жамоасини ҳар йили бири баскетбол, иккинчиси волейбол, учинчиси қўл тўпи бўйича туман ғолиби сифатида мусобақаларнинг вилоят босқичига олиб борарди. Стадиони бор мактаблар (бундай мактаблар саноқли эди, албатта) футбол, енгил атлетика бўйича, мослаштирилган биноларда жойлашганлари шахмат-шашка каби спорт турларидан (чунки бошқа спорт турларига шароит бўлмаган) туман шарафини ҳимоя қилиши одатга айланган эди. Оқибатда бир мактаб ҳар йили спортнинг муайян тури бўйича туман ғолиби сифатида мусобақаларнинг вилоят босқичида иштирок этиб юраверган. Спорт мусобақаларининг туман босқичлари амалда ўтказилмагани ҳолда, бошқа мактабларда спорт ривожланмай қолаверган.

Бугун-чи? Ўша спорт мусобақаларида барча турлар бўйича нафақат ҳамма мактаб, балки мактабларнинг барча синфлари, синфлардаги ҳар бир ўқувчининг индивидуал иштирокини таъминловчи мукаммал тизим яратилган. «Умид ниҳоллари» мусобақаларини талаб даражасида ўтказиш учун етарли шарт-шароитлар муҳайё этилган. Мактабларда ўрнатилган замонавий спорт анжомларидан самарали фойдаланиш эвазига спортнинг барча турлари бўйича болалар ва ўсмирлар ўртасидаги беллашувлар йилдан-йилга муросасиз бўлиб бормоқда. Ҳар кимнинг спортда ўз қобилиятини намоён этиш имконияти бор. Бу соғлом авлодни шакллантириш қаторида болаларда ёшлигиданоқ курашувчанликни, рақобатга киришишни тарбиялайди, ғалабанинг нашидаси тотли эканлигини ҳис этиш имконини беради. Бундай манзара бутун мамлакат миқёсида барча спорт турлари бўйича катта-кичик ёш босқичларида кузатилаётгани кишига ифтихор бахш этади, албатта. Умуммиллий дастур доирасида бугунгача 611 та спорт иншооти қурилиб, уларга 83,8 млрд. сўм маблағ сарфлангани бу борадаги ишлар салмоғини тасаввур қилиш имконини беради. Ёш авлод учун яратилаётган бундай шарт-шароитлар илк меваларини бераётгани эса кишига ғурур бағишлайди. Масалан, халқаро мусобақаларда мактаб ўқувчилари жамоалари 2004 йилда 18 та олтин, 4 та кумуш ва 4 та бронза медалларини қўлга киритгани ҳолда, 2006 йилда 206 та олтин, 267 та кумуш ва 235 та бронза медалларидан ўқувчиларимиз Ўзбекистон шодасини ясашди.

Ниҳоят, ўқитувчи ва ўқувчи муносабатларидаги сунъий тўсиқлар олиниб, эркин муомала, мустақил фикр учун кенг йўл берилиши, таълим муассасалари фаолиятининг ота-оналар ва маҳалла билан биргаликда ташкил этилиши ҳар уч томоннинг ҳам масъулиятини оширади. Умуммиллий дастурнинг амалга оширилишида бюджетдан ташқари сарфланаётган маблағлар миқдори мактаб ишининг умуммиллий ишга айланиб бораётганидан дарак беради. Акс ҳолда, қисқа муддатда саховатпеша ҳомийлар ҳисобидан 1195 та мактабда қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилмаган, 40 та спорт иншооти қурилиб, уларга 50 млрд. сўмдан зиёд маблағ сарфланмаган бўлар эди.

Хуллас, бугун аниқ мақсад ва буюк орзулар билан яшаётган Ўзбекистон ўз мустақил тараққиёт йўлидан дадил одимламоқда. Бу одимлар бардавом бўлишига шубҳа йўқ. Чунки бугунги жадал ислоҳотлар буюк келажак орзусидаги оқилона сиёсат бўлиб, унинг моҳиятида инсонга, миллат келажагига ғамхўрлик, муносиб ҳаётга кафолат ҳам мужассамдир.

**Фахриддин ТУРДАЛИ ўғли.**

# ЖАҲОН 24 соат ичида

## Чегарадан пиёда ўтди

***Жанубий Корея Президенти Но Му Хён мамлакатнинг Шимолий Корея билан туташган чегарасини пиёда кесиб ўтди.***

У Кэсон шаҳрида КХДР раҳбари Ким Чен Ир билан музокаралар ўтказмоқда. Жаҳон матбуоти Но Му Хённинг ушбу хатти-ҳаракатини тарихий воқеа сифатида баҳоламоқда. Сабаби, унга қадар ҳар икки Корея давлатининг ҳеч бир раҳбари чегарани пиёда кесиб ўтмаганди.

## Индонезияда яна зилзила

***Суматра оролида Рихтер шкаласи бўйича 6,4 балли зилзила қайд этилди.***



Дастлаб Индонезия ҳукумати табиий офат туфайли цунами келиб чиқишидан аҳолини огоҳлантирди, бироқ бир соат ўтмай, огоҳлантириш бекор қилинди. Қурбон бўлганлар ва вайронагарчиликлар ҳақида ҳозирча бирорта маълумот йўқ.

## Элчихонага кириш баҳона...

Австрия полицияси Венада жойлашган АҚШ элчихонасига портловчи ускуна солинган сумка билан киришга уринган бир шахсни қўлга олди. Бу ҳақда полиция матбуот хизмати вакили журналистларга маълум қилди. Ҳибсга олинган 42 ёшли боснияликнинг юк халтасида қўлбола бомба бўлган. Ушбу воқеадан ҳеч ким жабр кўрмади.

## Фавқулодда йиғилиш



***БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича Кенгаши Мьянмадаги вазиятни муҳокама қилиш учун фавқулодда йиғилиш ўтказмоқда.***

«ИТАР-ТАСС»нинг хабар беришича, сессия Кенгашнинг 17 аъзоси талаби билан ташкил этилди. Европа Иттифоқи Кенгашга ўз резолюцияси лойиҳасини тақдим этди. Унда Мьянмада оммавий равишда инсон ҳуқуқларини поймол қилган шахслар суд қилиниши лозимлиги айтилган. БМТнинг махсус маърузачиси Пауло Сержио Пинейро Мьянмадаги вазиятни яхшилашда Хитой, Ҳиндистон, Россия мамлакатлари ва АСЕАН ташкилоти катта роль ўйнашини билдирди.

## Муддатидан илгари сайлов

***Украинада муддатидан илгари парламент сайловлари бўлиб ўтди. Сўнгги маълумотларга қараганда, сайлов бюллетенларининг 93,55 фоизи санаб бўлинган.***



Бунга кўра, Минтақалар партиясига 34,14 фоиз, Юлия Тимошенко блокига 30,84 фоиз, «Бизнинг Украина» партиясига эса 14,3 фоиз сайловчи овоз берган. Украина Компартияси 5,36 ва Владимир Литвин блоки эса 3,98 фоиз овоз жамғарган.

Манбада айтилишича, сайловнинг якуний натижалари 15 кундан кейин эълон қилиниши кутилаяпти.

## Мудофаа учун 648 миллиард доллар

**АҚШ Конгресси 2008 йил учун мудофаа бюджети лойиҳасини қабул қилди. Унга кўра, келгуси йилда АҚШ мудофаа харажатлари учун 648 миллиард доллар сарфлайди. Шундан 150 миллиард доллари Ироқ ва Афғонистондаги ҳарбий операцияларга ишлатилади. Ушбу лойиҳани парламентнинг қуйи палатаси ҳам ўзгаришини киритган ҳолда тасдиқлади.**

## Кетма-кет терактлар

**Кобул марказида теракт содир этилди. Маҳаллий ҳукумат вакилининг билдиришича, камикадзе полиция ходимларини олиб кетаётган автобусга яқинлашиб, ўзини ўзи портлатиб юборган. Натижада, 10 киши ҳалок бўлди.**

**Ўтган шанба куни ҳам Афғонистон пойтахтида террорчилик хуружи амалга оширилганди. Унда 27 киши қурбон бўлиб, 20 киши жароҳатланган. Мазкур терактни толиблар ўз зиммасига олди.**

## Шенген ҳудуди кенгайди

***Европа Иттифоқининг тўққиз аъзоси Шенген виза ҳудудига муддатидан илгари кирди.***

Айни пайтда ЕИга раҳбарлик қилаётган Португалия ташқи ишлар вазири Руи Перейра мазкур масалада барча текширувлар якунланганини ҳамда зарурий келишувлар имзоланганини қайд этди. Эндиликда Словакия, Словения, Венгрия, Чехия, Польша, Мальта, Латвия, Литва ва Эстонияга боришни хоҳловчилар Шенген визасини олишлари лозим бўлади.

## Инқироз сабаби

***Швейцариянинг энг йирик банкларидан бири «UBS» АҚШдаги ипотека инқирози туфайли 3,4 миллиард доллар зарар кўрди.***

«UBS» бунинг олдини олиш мақсадида бир ярим мингта иш ўрнини қисқартиришни режалаштирмоқда. Америка ипотека бозоридаги инқироз Европанинг кўплаб молия муассасаларига ҳам салбий таъсирини кўрсатмай қолмади. Таҳлилчиларнинг фикрича, АҚШдаги уй-жойнинг ҳаддан ташқари кўп қисми кредитга сотилиши ва молия муассасаларига кредитнинг ўз вақтида қайтарилмаслиги шундай инқирозли ҳолатни келтириб чиқарган.



**Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИДА

***Ўзбекистон Республикаси Олий судининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, Конституциявий суд, Бош прокуратура, Адлия вазирлиги масъул ходимлари, давлат ва жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.***

Олий суд раиси Б. Мустафоев бошқарган тадбирда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизими чуқур ислоҳ қилингани ва эркинлаштирилгани ўз самараларини бераётгани таъкидланди. Рўй бераётган ўзгаришлар — демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида эришаётган барча ютуқларимиз Конституциямизда мустаҳкамланган асосий тамойилларни ҳаётга тўлиқ татбиқ этилаётгани натижасидир.

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш Конституциямизнинг асосий тамойилларидандир. Статистик маълумотлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, фуқароларнинг ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилишга қаратилган мурожаатлари йил сайин ортиб бормоқда. Жумладан, бу йўналишда 2000 йилда республика бўйича 70 мингга яқин фуқаролик ишлари кўрилган бўлса, 2006 йилга келиб мазкур кўрсаткич 421 мингтани ташкил қилган ва уларнинг 96 фоизи бўйича даъволар қаноатлантирилган, фуқаролар ва ташкилотларнинг бузилган ҳуқуқ ва манфаатлари тикланган. Бу эса суд-ҳуқуқ тизимида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар натижасида фуқароларнинг одил судловга бўлган ишончи тобора ортаётганидан далолатдир.

Низоларни қонуний ҳал этишда далилларга тўғри баҳо бериш, тарафларнинг эътирозларини асослайдиган далил мавжуд ёки мавжуд эмаслигини аниқлаш, улардан зарур далилларни талаб қилиш ҳамда исботланган далиллар асосида низоларни ҳал қилиш суд қарорларининг барқарорлигини таъминловчи муҳим омиллардандир.

Пленумда таъкидландики, фуқаролик ишларини кўришда судлар томонидан далилларга оид қонун нормалари, асосан, тўғри татбиқ этилмоқда. Бироқ қонунчиликда далилларни қўллашни тартибга солувчи қоидалар мавжуд бўлса-да, баъзан ушбу масалада тушунмовчиликлар, айрим хато ва камчиликлар ҳам учраб турибди.

Шу боис, йўл қўйилаётган камчиликларни бартараф этиш, суд амалиётида далилларга оид қонунчилик нормаларини тўғри талқин қилиш ва ягона суд амалиётини амалга ошириш мақсадида "Фуқаролик ишларини кўришда судлар томонидан далилларга оид қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги қарор лойиҳаси ишлаб чиқилди ва пленум муҳокамасига киритилди.

Мазкур қарор лойиҳаси олимлар, амалиётчилар ва бошқа давлат идораларига юборилди. Улардан таклиф, фикр-мулоҳазалар олиниб, қарор лойиҳасига киритилди.

Мажлисда қарор лойиҳаси атрофлича муҳокама этилди ва тегишли қарор қабул қилинди.

**Норгул АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# «Оролбўйи маданиятлар чорраҳасида»

***Истиқлол озод юртимизнинг олис ва яқин ўтмишини ўрганиш борасида янги саҳифалар очди. И.В. Савицкий номидаги Қорақалпоғистон давлат санъат музейида очилган халқаро симпозиум «Оролбўйи маданиятлар чорраҳасида» деб номланди. Унда мустақил мамлакатимиз археологлари, этнографлари билан бирга Австралия, Германия, Франция, Россия Федерацияси, АҚШ, Буюк Британия, Қозоғистон, Польша, Ирландия ва бошқа давлатларнинг мазкур йўналишда илмий фаолият олиб бораётган олимлари иштирок этмоқда.***

**Анжуман**

Ушбу симпозиум ва «Қадимий Тошхирмон воҳасининг археологияси» деб номланган иккинчи дала семинари Қуйи Амударё замини тарихининг толмас тадқиқотчиси, Ўзбекистон Фанлар академиясининг фахрий академиги Сергей Павлович Толстов таваллудининг 100 йиллигига бағишланди.

Анжуманга тўпланганлар С.П. Толстовнинг самарали илмий фаолияти ва бебаҳо илмий мероси хусусида, унинг асарлари, фанга қўшган бетакрор ҳиссаси, шунингдек, Оролбўйи заминининг тарихи, археологияси, этнографиясига оид энг долзарб масалалар тўғрисида баҳс юритдилар.

Симпозиум иштирокчилари Савицкий номидаги Қорақалпоғистон давлат санъат музейида олим ҳаёти ва илмий фаолиятига бағишланган кўргазмани томоша қилишди. Шундан сўнг илмий мунозара Элликқалъа туманига кўчди. Бу ерда анжуман иштирокчилари атоқли олим номи билан юритилаётган тарих ва археология музейи билан танишдилар, тумандаги Тупроққалъа, Аёзқалъа, Гулдурсин каби кўҳна ёдгорликларни бориб кўрдилар.

Симпозиум ва дала семинарининг амалий қисми Беруний туманида давом эттирилди.

**Янгибой ҚЎЧҚОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги**
**Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими Маркази**

**ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ ТИЗИМИ КАДРЛАРИ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ВА УЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ИНСТИТУТИ**

**қуйидаги ихтисосликлар бўйича докторантура ва аспирантурада ўқиш учун қабул эълон қилади:**

**ДОКТОРАНТУРА**
***13.00.08 – Касб-ҳунар таълими назарияси ва методикаси.***

**АСПИРАНТУРА**
***13.00.08 – Касб-ҳунар таълими назарияси ва методикаси.***
***13.00.01 – Умумий педагогика, педагогика таълим тарихи.***

**Ҳужжатлар 20 сентябрдан 15 октябргача қабул қилинади.**
**Кириш имтиҳонлари 16 октябрдан 10 ноябргача танлов асосида ўтказилади.**
Аспирантурага кирувчилар қуйидаги фанлардан имтиҳон топширадилар:
- Ўзбекистон тарихи;
- фалсафа;
- чет тили (инглиз, немис, француз ёки бошқа тиллардан бири);
- мутахассислик.

Мутахассислик бўйича кириш имтиҳони бошқа фанлардан олдин топширилади.
Докторантурага кирувчи номзодлар суҳбатдан ўтадилар ва илмий-тадқиқот муассасаси кенгашининг қарорига биноан ўқишга қабул қилинадилар.

**Аспирантура ва докторантурага кираётган шахслар қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда ариза берадилар:**

**Аспирантурага кираётган шахслар учун:**
- шахсий варақа ва таржимаи ҳол;
- иш жойидан тавсифнома (бошқа ташкилотлардан юбориладиган шахслар учун);
- чоп этилган илмий ишлари ва ихтиролари рўйхати ҳамда уларнинг нусхалари, илмий-тадқиқот тўғрисидаги ҳисоботлар рўйхати (агар мавжуд бўлса).

Илмий ишлари эълон қилинмаган ва ихтиролари бўлмаган шахслар танлаган ихтисослиги бўйича 20 бетдан кам бўлмаган илмий маъруза (реферат) тақдим этадилар. Илмий маърузага соҳа бўйича мутахассис-олим тақризи илова қилиниши лозим.
- *аспирантурага бевосита олий таълим муассасасини тугатгандан кейин топшираётган шахслар (магистратура талабалари орасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендиатлари, имтиёзли диплом эгалари, олий таълим муассасаси илмий кенгаши тавсияси мавжуд даъвогарлар) учун олий таълим муассасаси илмий кенгаши мажлисининг баёнидан кўчирма;*
- *олий таълимнинг барча босқичларидан ўтганлигини тасдиқловчи диплом нусхаси;*
- *номзодлик имтиҳонларини топширганлиги тўғрисидаги гувоҳнома (агар топширган бўлса);*
- *меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (ишлаётганлар учун);*
- *тиббий маълумотнома (086- шакл);*
- *4х6 см. ўлчамдаги 4 дона фотосурат.*

**Докторантурага кираётган шахслар учун:**
- ариза;
- шахсий варақа ва таржимаи ҳол;
- олий маълумот, фан номзоди дипломлари ва доцент (катта илмий ходим) аттестатлари нусхаси (агар мавжуд бўлса);
- тадқиқот мавзуси бўйича илмий маъруза ва докторлик диссертациясининг кенгайтирилган режа-лойиҳаси;
- чоп этилган илмий ишлари ва ихтиролари рўйхати ҳамда уларнинг нусхалари, илмий-тадқиқот тўғрисидаги ҳисоботлар рўйхати (агар мавжуд бўлса);
- иш жойидан тавсифнома (бошқа ташкилотлардан юбориладиган шахслар учун);
- меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси;
- тиббий маълумотнома (086-шакл);
- 4х6 см. ўлчамдаги 4 дона фотосурат.

Паспорт ва ҳарбий билет (агар мавжуд бўлса) шахсан кўрсатилади.
Бошқа шаҳарлардан келган мутахассислар ётоқхона билан таъминланадилар.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, Талабалар шаҳарчаси, Саидов кўчаси, 76-уй.**
**Телефон: 246-90-29.**

O'ZSANOATQURILISHBANK

***«— Эшитдингизми, қудажон, маҳалламиздаги Насибахон бор-ку, яқинда тўй ўтказган, келин-куёвга уй олиб берибди.***

***— Нимасини айтасиз, бир ажойиб замон бўлди-да, улар банкдан 20 миллион сўм кредит олишибди».***



# «Саноатқурилишбанк»: ҲАМ ИМТИЁЗ, ҲАМ ИМКОНИЯТ

Бундай мазмундаги суҳбатлар бугун тўй-ю маъракаларда, маҳалла-кўйларда тез-тез қулоққа чалинмоқда. Чунки одамлар мамлакатимиз Президентининг шу йил 18 майдаги «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони асосида яратилган имтиёзлардан хурсанд. Бу ҳақда улар бир-бирларига имкон қадар соддароқ тушунтиришга ҳаракат қилмоқдалар, банкларга мурожаат этиб, йўл-йўриқлар олмоқдалар.

— Президентимизнинг мазкур Фармонига асосан ҳамда «Ижтимоий ҳимоя йили» давлат дастурига мувофиқ ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш, меҳнат фаолиятини бошлаш ва мустақил ҳаётга кириб келишда уларга зарур ёрдам кўрсатиш борасида муайян тадбирларни амалга ошираяпмиз, — дейди «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг Самарқанд минтақавий филиали бошлиғи Орзу Мирзаев. – Янги иш ўринлари очиш, ёшларни кичик бизнес ва тадбиркорликка фаол жалб этиш, ёш оилаларга ўз ишини ташкил этиш учун микрокредитлар ажратиш, касаначиликни ривожлантириш, уларга имтиёзли равишда қорамоллар сотиш асосида меҳнат бандлигини таъминлаш ва ёш оилаларнинг барқарор даромад манбаларини шакллантириш шулар жумласидандир.

Ҳақиқатан ҳам, банк филиалида айни пайтда ёш оилаларга микрокредитлар, ипотека ва истеъмол кредитлари ажратиш кўнгилдагидек йўлга қўйилган. Ана шундай кредитлар эвазига ёш оилалар хусусий тадбиркорликни ташкил этишаяпти, янгидан уй-жой қуришаяпти ёки сотиб олишаяпти, мавжудларини таъмирлашаяпти, уй хўжалигини йўлга қўйишаяпти. Бундан ташқари, рўзғор учун мебель ва бошқа узоқ муддат фойдаланиладиган ҳаётий зарур товарлар сотиб олишаяпти.

Банк филиаллари томонидан бугунгача берилган истеъмол кредити қолдиғи 1152,4 миллион сўмни ташкил этади. Йил бошидан буён ажратилган 320 миллион сўм истеъмол кредитининг 210 миллион сўми ёш оилаларга берилди. Уларга уй-жой қуриш, таъмирлаш ва сотиб олиш мақсадида 15 йил муддатга 147,5 миллион сўмлик ипотека кредитлари ҳам ажратилди.

Самарқанд туманида истиқомат қилувчи Қаҳрамон Ахтамов ва Азиза Исмоилова оиласига юмшоқ мебеллар тўплами харид қилиш учун 2 миллион 495 минг сўм миқдорида, Иштихон туманидаги Нурия Бўронова ва Фарҳод Суннатов юмшоқ мебель учун 780 минг кредит олишда ҳеч қандай қийинчиликларга дуч келишмаганини, аксинча, банк ходимлари уларга яқиндан ёрдам кўрсатишганини миннатдорлик билан гапириб беришди.

— Мен Пайариқ туманида истиқомат қиламан, — дейди яқинда оила қурган Шуҳрат Ҳусаинов. — Турмуш ўртоғим Сайҳа Мухторова билан квартира олишни ният қилгандик. Аммо бунинг учун маблағимиз етарли эмас эди. Президентимизнинг ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга қаратилган Фармони билан танишгач эса, олдимизда катта имконият очилганлигини англадик. Ва тезда «Саноатқурилишбанк»нинг Самарқанд минтақавий филиалига мурожаат этдик. Бизга қисқа вақтда 29 миллион 25 минг сўм имтиёзли кредит ажратишди. Шу тариқа бугун уйли-жойли бўлиб турибмиз. Биз, ёшлар учун шундай имкониятларни яратиб берган Президентимиздан ниҳоятда мамнунмиз.

Самарқанд шаҳрида яшовчи Шуҳрат Маматов ва Машҳура Тўхтаевалар оиласи ҳам банкнинг 28,5 миллион сўмлик кредити эвазига квартира сотиб олди. Банк фаолиятида бундай мисоллар жуда кўп. Негаки, ёш оилалар янги Фармон ўзлари учун ҳам ҳам катта имконият, ҳам катта имтиёз эканлигини чуқурроқ англаб етмоқдалар.

## МИЖОЗЛАРНИНГ ЯҚИН ШЕРИГИ

Аслида акциядорлик тижорат «Ўзсаноатқурилишбанк»ининг фаолияти узоқ йилларга бориб тақалади. У мамлакатимиздаги молия-кредит институтлари орасида ҳам, активларининг катталиги жиҳатидан ҳам етакчи ўринларни эгаллайди.

Банкнинг Самарқанд вилояти бошқармаси эса минтақа бозорида 74 йилдан буён фаолият кўрсатиб келмоқда. Ўтган давр мобайнида банк мижозларнинг яқин шериги ва кўмакчисига айланди.

Айни пайтда минтақавий филиал таркибида 3 та филиал ишлаб турибди. Улар томонидан 1336 та хўжалик юритувчи субъектга хизмат кўрсатилмоқда.

Шунингдек, Самарқанд филиали таркибида 4 та мини банк, Каттақўрғон филиалида 2 та, Амир Темур филиалида эса яна шунча мини банк мавжуд. 11 та жамғарма кассаси, 8 та махсус касса аҳолидан коммунал тўловларни қабул қилиш ва банк хизматлари кўрсатиш билан шуғулланмоқда.

Филиалларда чет эл валютасини қабул қилиш ва пул жўнатмаларини амалга ошириш мақсадида «Contakt» ва «Migom» тармоқлари орқали хизмат кўрсатиш ҳам йўлга қўйилган бўлиб, уларнинг учтадан чиқим ва кирим кассалари фуқароларга хизмат кўрсатмоқда.

## ФАОЛЛИК – ДОИМИЙ МЕЗОН

Банкнинг минтақавий филиали саноат, қурилиш, савдо ва қишлоқ хўжалиги соҳаларига кредитлар ажратиш борасида ҳамиша фаол. Йил бошидан буён саноатга 2965,7 миллион сўм, қурилишга — 8805,8, савдога — 657,9, қишлоқ хўжалигига 656,2 миллион сўмлик кредитлар берилгани шундан далолат беради.

Шуниям таъкидлаш керакки, Президентимизнинг 2006 йил 23 мартдаги «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ижроси юзасидан филиалда бажарилаётган ишлар салмоғи ҳам тобора кенгайиб бораяпти. Жумладан, ўтган саккиз ой мобайнида шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларига чорвачиликни ривожлантириш учун 350 миллион сўм миқдорида микрокредитлар ажратилди. Ана шу маблағнинг 325 миллион сўми банкнинг ўз маблағлари ҳисобидандир.

Бугун жойларда қад ростлаётган янги касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар, мактабларнинг биноларига қараб, ҳавас қиласан, киши. Бунда ҳам банк ходимларининг ўз ҳиссаси бор. Хусусан, Молия вазирлиги маблағлари ҳисобидан 2007 йилги қурилишлар дастурига киритилган 10 та коллеж қурилишида қатнашаётган пудратчи ташкилотларга 4 миллиард 423 миллион сўм, битта лицей қурилиши учун 638 миллион сўм кредит маблағлари ажратилди. Бундан ташқари, ушбу иншоотлар қурилишини тезлаштириш мақсадида банк ўз маблағлари ҳисобидан ҳам 2 миллиард 125 миллион сўм, мактаблар қурилиши учун 336 миллион сўм кредит берилишини таъминлади.

Вилоятдаги йирик саноат корхоналарини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида эса, иш ҳақи ва товар-моддий бойликлар учун ҳам кредитлар ажратилаяпти. Масалан, Самарқанд кимё заводига шу йил давомида 1 миллиард 41,8 миллион сўм миқдорида, «Кинап» очиқ турдаги акциядорлик жамиятига 437,9 миллион сўмлик кредит маблағлари берилди.



## «VISA» ПЛАСТИК КАРТОЧКАЛАРИ

Мамлакатимиз Президентининг 2006 йил 3 августдаги «Пластик карточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори ижросини таъминлаш юзасидан амалга оширилаётган ишлар ҳам диққатга сазовордир. Чунончи, банкда мижозларга «Visa classic» ва «Visa electron» пластик карточкалари орқали хизмат кўрсатилаётир. Улар қулай ва ишончли тўлов воситаси бўлиб, карточкалардаги ишлатилмай қолган маблағларга ҳар ойда қўшимча даромад тўланади. Ҳозиргача пластик карточкалар 18 мингтага яқинлашиб қолгани буни исботлаб турибди.

Самарқанд ва Каттақўрғон шаҳарлари, Самарқанд, Ургут, Тайлоқ, Булунғур, Пастдарғом туманларида эса савдо ва маиший хизмат соҳаларида банкнинг 100 га яқин терминаллари аҳолига хизмат кўрсатмоқда.

## ОМОНАТЛАР – КАФОЛАТЛАНГАН ДАРОМАД МАНБАИ

Яқинда банкда яна иккита янги омонат тури очилди. Улардан бири — «Капитал плюс», айниқса, кўпчиликка маъқул тушди. Бу омонатни сақлаш муддати — 6 ой. Қўйиладиган омонат миқдори — 50000 сўм. Йиллик даромад фоизи 24 фоиздир.

«Эъзоз» омонат тури эса асосан пенсионерлар учун мўлжалланган. Унинг сақланиш муддати — 4 ой. Қўйиладиган омонат миқдори — 50000 сўм. Йиллик даромад фоизи 26 фоизга тенг.

Шунингдек, банк қуйидаги омонат турлари бўйича хорижий валютада маблағларни қабул қилади:

«Талаб қилиб олингунга қадар». Йиллик фойда — 2 фоиз. Энг кам омонат миқдори — 5 АҚШ доллари.

«Капитал». Омонатни сақлаш муддати — 6 ой. Йиллик даромад — 4 фоиз. Энг кам омонат миқдори — 100 АҚШ доллари.

«Муддатли». Омонатни сақлаш муддати — 1 йил. Энг кам қўйиладиган омонат миқдори — 100 АҚШ доллари. Йиллик даромад — 6 фоиз.

Шу билан бирга, банк яна 14 турда миллий валютада омонатларни қабул қилмоқда. Уларнинг барчаси мижозлар учун қулайлик яратиб, уларга фойда келтирмоқда.

**Абдурасул САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**


АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«ЎЗБЕКЭНЕРГО» ДАК

компаниянинг ташқи аудитини ўтказишга танлов эълон қилади.

**Номзодларга қўйиладиган талаблар:**

- *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ва Молия вазирлиги томонидан белгиланган аудиторлик ташкилотлари рўйхатида бўлиш;*
- *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 4 апрелдаги ПҚ—615-сонли қарори билан тасдиқланган «Аудиторлик ташкилотлари тўғрисидаги низом» талабларига мувофиқ бўлиш;*
- *аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун рухсатнома (лицензия)га эга бўлиш;*
- *фаолият суғурта полисига эга бўлиш;*
- *энергетика тизимида иш тажрибасига эга бўлиш керак.*

**Мурожаат учун манзил: Тошкент ш., «Хоразм» к., 6-уй. Мўлжал — Марказий офицерлар уйи рўпарасида. Телефонлар: 136-69-37, 136-60-81, 136-69-42.**

1312Н/1800



*Давлат, хусусий ҳамда мулкчилик шакли турлича бўлган юридик ва жисмоний шахслар диққатига!*

Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЖИЭББ тасарруфидаги УЯ 64/47 муассасаси

асбест шифер ишлаб чиқариш технологик линияси харид қилиш бўйича тендер эълон қилади.

Тендер таклифлари 2007 йил 30 сентябрдан 30 октябрга қадар ҳар куни 17.00 гача қабул қилинади.

Манзил: Ўзбекистон Республикаси, Навоий вилояти, Қизилтепа шаҳри, «Шарқ» кўчаси, 1-уй. Почта индекси 706706.

Маълумотлар ва тендер ҳужжатларини олиш бўйича ҳар куни соат 9.00 дан 18.00 гача юқорида кўрсатилган манзилга ёки қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилиш мумкин: (8-436) 555-23-65, 555-35-48. Факс: (8-436) 555-28-48.

1451R/1781



«ҲИМОЯ» ҲУҚУҚИЙ МАРКАЗИ АДВОКАТЛИК ФИРМАСИ

«ҲИМОЯ» ҲАКАМЛИК СУДИ

ТУРЛИ МУРАККАБЛИКДАГИ ХЎЖАЛИК НИЗОЛАРИ

HIMOYA

- НИЗО ИШТИРОКЧИЛАРИ ТОМОНИДАН ҲАКАМНИ САЙЛАШ
- НИЗОЛАРНИ ҚИСҚА МУДДАТ ИЧИДА КЎРИБ ЧИҚИШ
- КАМАЙТИРИЛГАН СУД ХАРАЖАТЛАРИ

Хизматлар лицензияланган

ТЎЛОВ НАТИЖАЛАР БЎЙИЧА

ТОШКЕНТ: (371) 133-11-13, 137-13-43, 175-63-72
БУХОРО: (365) 223-68-85, (365) 223-63-72.
НАВОИЙ: (590) 730-99-80, (436) 227-83-44.

WWW.HIMOYA.UZ WWW.HIMOYA-SUD.UZ E-mail: HIMOYA@LIST.RU



From the People of Japan

*Обучение в магистратуре в Японии!*
*Японияда магистратурада ўқиш!*
*"Let's study in Japan!"*



# JAPANESE GRANT AID FOR HUMAN RESOURCE DEVELOPMENT SCHOLARSHIP (JDS) (2008-2009)

**Japanese Grant Aid for Human Resource Development Scholarship (JDS) was established by the Government of Uzbekistan with the assistance of the Government of Japan in the Japanese fiscal year of 1999-2000.**

**The objective of the JDS Project is to provide Uzbekistan nationals with opportunities for obtaining master's degree at Japanese universities in order to support human resource development policy of the Government of Uzbekistan, and eventually to extend and strengthen the bilateral relationship between Uzbekistan and Japan.**

**The JDS targets those who are expected to play leadership role in socio-economic development of Uzbekistan after obtaining Master's degree within the designated period of study.**

**Under this Project, 20 fellows will be selected to study at Japanese universities for the year 2008-2009.**

**1. DEGREE TO BE OBTAINED, FIELDS OF STUDY**

(1) **Degree**: Master's degree (1-2.5 year courses)
(2) **Fields of study, Common Agenda* and Accepting universities**:
- Law: *Developing Legal Infrastructure for Attractive Market and Active Industries* Nagoya University
- Public Administration: *Building Institutional Capacity for Good Governance* Meiji University, University of Tsukuba
- Economics: *Ensuring Balanced and Stable Fiscal Management* International University of Japan, Hitotsubashi University
- Business Administration: *Providing Sound and Fair Business Environment* Waseda University
- Agriculture: *Advancing Effective Agricultural Structure* Tokyo University of Agriculture and Technology
- Information and Communication Technology: *ICT Policy to Create Wider and Advanced Usage* Ritsumeikan University
- Education Administration : *Delivering Better Educational Service* Hiroshima University
- Engineering : *Improvement of Industrial Structures and Its Management* Toyohashi University of Technology

* Common Agenda should be considered when writing your Research Proposal

(3) **Language of instruction**: English

**2. QUALIFICATION OF APPLICANTS**

(1) **Nationality**: Citizen of Uzbekistan
(2) **Age**: (as of April 1st , 2008)
- Between 22 and 34 years old (inclusive).
- For the study fields of "Engineering" and "Agriculture", between 22 and 39 years old (inclusive).

(3) **Work experience** recorded in Workbook: (as of August 17th, 2007)
- More than 2 years' work experience on full-time basis after getting a Bachelor's degree.
- For the study field of Business Administration, more than 3 years' work experience on full-time basis after getting a Bachelor's degree.

(4) **Academic background**: Bachelor's degree. (Please also refer to the University information for necessary information for application.)
(5) **English proficiency level**: Minimum requirement must be either of the following:
- IELTS score 6.0
- TOEFL PBT (Paper-based) score 550 / TOEFL CBT (Computer-based) score 213 / TOEFL iBT (Internet-based) score 79

Those who submit the valid official certificate of the score higher than either of above, which was issued after April 1, 2006, will be exempted from English language exam during the selection stage.

(6) **Ineligibility**:
- Those who have already studied or are scheduled to study in a foreign country in order to obtain a degree of Bachelor or Master under any kind of scholarship program shall be ineligible for application.
- Military personnel registered on the active list or persons on alternative military service shall be ineligible for application.

(7) **Others**:
- Must be in good mental and physical health. Applicant will undergo medical check-up in Tashkent during selection.
- Finalist (applicant who passed the final selection) must participate in the Preparatory Japanese language training in Tashkent for about 2 months (planned to be held in Apr.-Jun.2008).

**3. APPLICATION PROCEDURES**

➢ Applicant should submit the JDS Application Form accompanied with necessary documents to JICE JDS Project Office.
➢ Application Form will be available at the places below located or can be downloaded from our website (**http://www.jds.uz**).

1. JICE JDS Project Office in Uzbekistan
   - Mon. to Fri., 9:30 to 13:00 and 14:30 to 17:00
   - 12A, U.Nasir St., Tashkent
2. Embassy of Japan in Uzbekistan
   - Mon. to Fri., 9:00 to 13:00 and 14:30 to 18:00
   - 1-28, Sadyk Azimov St., Tashkent
3. JICA Uzbekistan Office
   - Mon. to Fri., 9:30 to 13:00 and 14:30 to 18:00
   - 5th floor, International Business Center, 107-B, Amir Temur St., Tashkent
4. Uzbekistan-Japan Center for Human Development
   - Mon. to Thurs., 10:00 to 13:00 and 14:30 to 17:30, Fri., 10:00 to 13:00 and 14:30 to 20:00
   - 6th floor, International Business Center, 107-B, Amir Temur St., Tashkent
5. Ministry of Higher and Secondary Specialized Education
   - Mon. to Fri., 15:00 to 17:00 96, 2nd Chimbay St., Tashkent
6. Business Communications Center (BCC) in Tashkent – 4th floor, 16A, Shahrisabz St.
7. BCC Regional Offices
8. Major academic institutions
9. Chamber of Commerce and Industry – 14, Mavaraunnakhr Street, Tashkent
10. Regional Offices of the Chamber of Commerce and Industry
11. Ministry for Foreign Economic Relations Investments and Trade, Regional Offices

**4. APPLICATION DEADLINE: November 5th , 2007, 17:00**

Applications missing above deadline shall not be accepted.

**5. PLACE OF SUBMISSION: JICE JDS Project Office in Tashkent** by post, courier or hand.

**6. SELECTION PROCEDURES**

(1) **First Selection – November 2007**
- Examination and Screening of submitted Application Forms by University Professors in Japan

(2) **Second Selection – January 2008**
- English language examination - IELTS
- Basic mathematics test

(3) **Third Selection (Technical Interview) – February 2008**
- Interview by Japanese University Professors in Tashkent
- Medical check at a designated hospital

(4) **Fourth Selection (Comprehensive Interview) – March 2008**
- Interview by the Operating Committee members for JDS

**7. INQUIRY**

**JICE JDS Office in Uzbekistan**
Address: 12A, U.Nasir St., Tashkent
Telephone: 139-15-60/139-15-67
(Monday to Friday 9:30 to 13:00, 14:30 to 17:00)
E-mail : jice@jds.uz Website : http://www.jds.uz

1245Н/1457

**Бугунги кунда тижорат банклари инвестиция жараёнларида, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларни амалга оширишда, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашда фаол иштирок этмоқдалар. Бу, ўз навбатида, рақобатбардош, экспортга йўналтирилган маҳсулот ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва аҳоли бандлигини оширишда муҳим омил бўлаётир.**



*«Ғаллабанк»:*

# ИНВЕСТИЦИЯЛАР — ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШГА



Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 апрелдаги «Банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги , 2007 йил 12 июлдаги «Банкларнинг капиталлашувини янада ошириш ва иқтисодиётни модернизациялашдаги инвестиция жараёнларида уларнинг иштирокини фаоллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда, банклар томонидан инвестиция кредитлари бериш ва ушбу йўналишдаги ўз фаолиятини янада жадаллаштириш юзасидан бир қатор ишлар амалга оширилаётгани ўз самарасини бермоқда.

Энди бевосита «Ғаллабанк»ка тўхталсак, бизнинг жамоамиз маҳаллий ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасини ривожлантириш, ички бозорнинг харидоргир маҳсулотларга бўлган талабини қондириш, сифатли ва арзон маҳсулотлар ишлаб чиқариш имкониятини яратиш, шунингдек, корхоналарнинг иқтисодий самарадорликка эришишларини таъминлаш борасида кўплаб лойиҳаларни амалга оширмоқда.

Жорий йилнинг ўтган даври давомида, масалан, 8 миллиард 707,2 млн. сўмлик лойиҳалар учун банк томонидан 5 миллиард 500 млн. сўмлик инвестиция кредитлари ажратилди. Республикамизда дон маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасининг ривожланиши, ички бозорни сифатли ун маҳсулоти ва омихта емга бўлган талабини қондириш мақсадида эса янги замонавий ун тегирмонлари қуриш учун 1 миллиард 236,0 млн. сўмлик инвестиция кредитлари йўналтирилди. Жумладан, Навоий вилоятидаги Қизилтепа ун заводига тегирмон ускуналарини сотиб олиш учун 400,0 миллион сўм инвестиция кредити берилди. Ана шу маблағ ҳисобига корхонада янги замонавий асбоб-ускуналар ўрнатилгач, бир кунда 50 тонна буғдойни қайта ишлаб, йилига 10500 тонна ун маҳсулоти ва 3750 тонна кепак ишлаб чиқариш имконияти яратилди. Ушбу ускуналар, шунингдек, ишчи кучи, электр энергияси, сув ва бошқа ресурсларни тежамкорлик билан ишлатиш, ишлаб чиқариш жараёнининг мукаммаллиги ва сифатлилигини таъминлаш, табиий йўқотиш даражасини пасайтириш ҳамда маҳсулот сифатини яхшилашда ҳам қўл келмоқда.

Бундан ташқари, Қорақалпоғистон Республикасидаги «Тўрткўлдонмаҳсулотлари» МЧЖга бир кеча-кундузда 65 тонна буғдойни қайта ишлаш қувватига эга бўлган тегирмон ускуналарини ўрнатиш учун 400,0 миллион сўмлик, Қашқадарё вилоятидага «Косондонмаҳсулотлари» МЧЖга 300 миллион сўмлик, Фарғона вилоятидаги «Қувадонмаҳсулотлари» ҳиссадорлик жамиятига кунига 250 тонна буғдойни қайта ишлаш қувватига эга бўлган тегирмон ускуналарини ўрнатиш учун 300,0 миллион сўмлик инвестиция кредитлари ажратилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 18 сентябрдаги «Пахта чигитини етказиб бериш ва ундан фойдаланиш механизмини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида эса Қорақалпоғистон Республикасида «Ўсимлик ёғини экстракциялаш линиясини ўрнатиш» лойиҳасининг амалга оширилиши учун 1 миллиард 157 миллион сўмлик инвестиция кредити берилди. Хусусан, «Чимбоймой» ОАЖ томонидан амалга оширилаётган қиймати 600,0 миллион сўмлик «Ўсимлик ёғини экстракциялаш линиясини ташкил этиш» лойиҳасининг 377,0 миллион сўмлик қисми банк кредитлари ҳисобидан молиялаштирилди. Ушбу лойиҳа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, жумладан, чигит ва чигит маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасининг ривожланиши, ички бозорнинг сифатли ёғ ва шелухага бўлган талабини қондиришга йўналтирилган. Ажратилган кредитлар ҳисобига корхонада янги, замонавий асбоб-ускуналар ўрнатилмоқда. Ана шу ускуналар ёрдамида бир кунда 100 тонна, бир йилда 28000 тонна кунжарани қайта ишлаш имкониятини яратиш, ундан 5552 тонна ёғ, 14716 тонна шрот ҳамда бошқа хил маҳсулотлар ишлаб чиқариш кўзда тутилган.

Шу билан бирга, мазкур мақсадлар учун «Беруний Ёғгар» ва «Турон Хўжайли» ОАЖларнинг ҳар бирига 390,0 миллион сўмлик инвестиция кредитлари ажратилди.

Республикамиз чорвачилиги ва паррандачилигини юқори сифатли омихта ем билан таъминлашни йўлга қўйиш, маҳаллий хомашё базасини яратиш ҳамда уларни ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш борасида ҳам банкимиз ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Мисол учун, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 19 февралдаги «Республикада омихта ем ишлаб чиқариш саноатини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига кўра, юртимизга «Wynveen international» Нидерландия компаниясининг 2 комплект омихта ем ишлаб чиқариш ускуналарини келтириш ҳамда уларни «Ўздонмаҳсулот» АК тизимидаги корхоналар, хусусан, «Тошкентдонмаҳсулотлари» АЖ ҳамда «Дунё-М» АЖ корхоналарида ўрнатиш белгиланган эди. Шунга мувофиқ, ушбу ускуналарни келтириш учун банк томонидан мазкур корхоналарга 1 миллиард сўмдан, жами 2 миллиард сўмлик инвестиция кредитлари ажратилди. Ҳозирги кунда лойиҳа ускуналарининг белгиланган муддатларда келтирилиши ва ишга туширилишини таъминлаш борасида мижозлар фаолияти назорат остига олиниб, яқиндан амалий ёрдам кўрсатилмоқда.

Айни чоғда банк томонидан фермер хўжаликларини фақат қишлоқ хўжалик техникалари билан таъминлаш мақсадлари учун 2007 йил давомида 6 миллиард 242 млн. сўмлик янги кредитлар ҳам берилди.

Жамоа бундан буён ҳам инвестиция жараёнларида фаол иштирок этиб, иқтисодиётнинг барча соҳаларини ривожлантиришга йўналтирилган лойиҳаларни молиялаштириш йўлида изланишлар олиб бораверади.





**Р. ХОЛИҚОВ,**
**А. ПАРДАЕВ.** [t]


## Республика кўп тармоқли Агросаноат биржаси Самарқанд филиали

**2007 йил 29 октябрь куни соат 11.00 да республика кўп тармоқли Агросаноат биржаси Самарқанд филиалининг Савдолар залида ўтказиладиган, объект бошланғич баҳоси юқорилаб борувчи очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.**

**1. Суд ижрочилари Иштихон туман бўлинмаси томонидан савдога қўйилган, Иштихон тумани, «Самарқанд» кўчаси, 6-уйда жойлашган «Ал-Носир» МЧЖга қарашли:**
**а) 25 турдаги мол-мулклар мажмуаси.**
**Бошланғич баҳоси — 253 308 700 сўм.**

Ушбу аукцион савдосида сотилмай қолган мулкларнинг такрорий савдолари шу йилнинг 16 ноябрь ва 3 декабрь куни соат 11.00 да ўтказилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган харидорлар республика кўп тармоқли Агросаноат биржаси Самарқанд филиалининг АТ «Ўзсаноатқурилишбанк» Самарқанд вилояти минтақавий филиалидаги қуйидаги ҳ/р 20208000404460401001, МФО 00317, СТИР 206074208 га объект бошланғич баҳосининг 10% фоизи миқдоридаги закалат пулларини тўлашлари лозим. Харидорлардан аризаларни қабул қилиш ва расмийлаштириш аукцион савдосига 1 кун қолганда тўхтатилади.

**Манзилимиз: Самарқанд шаҳри, М.Улуғбек кўчаси, 148-уй, Савдо-саноат палатаси вилоят бошқармаси биноси, 1-қават, 3-хона. Телефонлар: 210-11-07, 234-06-38.**

1455R/1784








*Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!*

**Андижон вилояти ҳокимлигининг «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси**

**2008 йил манзил рўйхатига киритилган қуйидаги иншоотларга пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича танлов савдолари эълон қилади.**

**Спорт заллари қурилиши**

1. Андижон шаҳридаги 1-сонли мактабда спорт зали (12 м. х 24 м.) қурилиши.
2. Андижон туманидаги 25-сонли мактабда спорт зали (12 м. х 24 м.) қурилиши.
3. Андижон туманидаги 37-сонли мактабда спорт зали (12 м. х 24 м.) қурилиши.
4. Булоқбоши туманидаги 23-сонли мактабда спорт зали (12 м. х 24 м.) қурилиши.
5. Избоскан туманидаги 16-сонли мактабда спорт зали (9 м. х 18 м.) қурилиши.
6. Олтинкўл туманидаги 41-сонли мактабда спорт зали (12 м. х 24 м.) қурилиши.
7. Пахтаобод туманидаги 5-сонли мактабда спорт зали (12 м. х 24 м.) қурилиши.
8. Хўжаобод туманидаги 20-сонли мактабда спорт зали (12 м. х 24 м.) қурилиши.
9. Шаҳрихон туманидаги 61-сонли мактабда спорт зали (12 м. х 24 м.) қурилиши.

*Қурилиш ишларини молиялаштириш 2008 йил манзил рўйхатига асосан, республика Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.*

**Қишлоқ врачлик пунктлари**

1. Жалақудуқ тумани Ёрқишлоқ қишлоғидаги қурилиши якунланмаган ҚВПдаги қурилиш-монтаж ишларини якунлаш.
2. Марҳамат тумани Роҳат қишлоғидаги қурилиши якунланмаган ҚВПдаги қурилиш-монтаж ишларини якунлаш.
3. Шаҳрихон туманидаги 2-сонли шифохонани 6 кВа заҳира электр линияси билан таъминлаш.
4. Қорасув шаҳар шифохонасининг 60 ўринга мўлжалланган корпусини қайта таъмирлаш.

*Қурилиш ишларини молиялаштириш бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.*

**Буюртмачи** — Андижон вилояти ҳокимлигининг «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси (Андижон шаҳри, А. Навоий кўчаси, 45-уй).

Танлов савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлар қуйидаги шартларга мос келишлари лозим: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағлар ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала-ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Андижон вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин:

**Андижон шаҳри, Б. Ҳакимов кўчаси, 14-«А» уй. Тел./факс: 224-72-79.**

*Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 50 000 сўм.*

**Таклифлар (оферталар)ни тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача.**
**Танлов савдолари эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан сўнг ўтказилади.**

1452R/1779



ПОЛЬСКАЯ НАЦИОНАЛЬНАЯ ВЫСТАВКА
**ПОЛЬША-2007**
2-5 ОКТЯБРЯ 2007•ТАШКЕНТ



УЗЭКСПОЦЕНТР
ВРЕМЯ РАБОТЫ ВЫСТАВКИ: 11.00 - 18.00

МИНИСТЕРСТВО ЭКОНОМИКИ РЕСПУБЛИКИ ПОЛЬША
МИНИСТЕРСТВО ВНЕШНИХ ЭКОНОМИЧЕСКИХ СВЯЗЕЙ, ИНВЕСТИЦИЙ И ТОРГОВЛИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

ОРГАНИЗАТОР
ПОЛЬСКАЯ ХОЗЯЙСТВЕННАЯ ПАЛАТА ЦЕНТР СОДЕЙСТВИЯ

ПАРТНЕРЫ
ТОРГОВО-ПРОМЫШЛЕННАЯ ПАЛАТА УЗБЕКИСТАНА
УЗЭКСПОЦЕНТР

МЕДИА-ПАРТНЕРЫ
Бизнес-вестник Востока. Деловая газета
BVV BUSINESS REPORT Business weekly

ПРОДОВОЛЬСТВЕННЫЕ ТОВАРЫ И ПРОДУКТЫ ПИТАНИЯ
ОДЕЖДА, ОБУВЬ, КОСМЕТИКА
БЫТОВАЯ ТЕХНИКА И ТОВАРЫ ДЛЯ ДОМА
МЕДИЦИНА, ФАРМАЦЕВТИКА, ВЕТЕРИНАРИЯ
МАШИНЫ, ОБОРУДОВАНИЕ И ИНСТРУМЕНТЫ
СТРОИТЕЛЬСТВО И СТРОИТЕЛЬНЫЕ МАТЕРИАЛЫ
СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННОЕ ОБОРУДОВАНИЕ

ИНФОРМАЦИЯ:
ОТДЕЛ СОДЕЙСТВИЯ ТОРГОВЛЕ И ИНВЕСТИЦИЯМ ПОСОЛЬСТВА РЕСПУБЛИКИ ПОЛЬША В ТАШКЕНТЕ
ТЕЛ.: 0099871 1339650, WEH-AMB@BCC.COM.UZ

1440R/1563



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

## ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

**қуйидаги ихтисосликлар бўйича ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда аспирантурада ўқиш учун қабул эълон қилади:**

**08.00.01 — иқтисодий назария;**
**08.00.02 — макроиқтисодиёт;**
**08.00.06 — эконометрика ва статистика;**
**08.00.07 — молия, пул муомаласи ва кредит;**
**08.00.08 — бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит;**
**08.00.13 — менежмент ва маркетинг.**

**Керакли ҳужжатлар:**

- *ариза;*
- *шахсий варақа ва таржимаи ҳол;*
- *иш жойидан тавсифнома-тавсиянома;*
- *ихтисослик бўйича реферат (илмий ишлар ва ихтиролар эълон қилинмаган бўлса);*
- *диплом ва баҳоларнинг тасдиқланган нусхаси;*
- *меҳнат дафтарчасининг тасдиқланган нусхаси;*
- *нашр этилган илмий ишлар рўйхати ва нусхалари;*
- *тиббий маълумотнома (086-шакл);*
- *4х6 ҳажмдаги 4 та фотосурат;*
- *паспорт ва ҳарбий билет шахсан кўрсатилади;*
- *аспирантурага киришга тавсия бўйича илмий кенгаш баённомасидан кўчирма (олий ўқув юртини жорий йилда тамомлаган бўлса).*

**Қуйидаги ихтисослик бўйича ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда докторантурага қабул эълон қилади:**

**08.00.07 — молия, пул муомаласи ва кредит.**

**Керакли ҳужжатлар:**

- *ариза;*
- *шахсий варақа ва таржимаи ҳол;*
- *иш жойидан тавсифнома-тавсиянома;*
- *тадқиқот мавзуси бўйича илмий маъруза ва докторлик диссертациясининг кенгайтирилган режа лойиҳаси;*
- *чоп этилган илмий ишлари, ихтиролари рўйхати (шакл бўйича) ҳамда уларнинг нусхалари;*
- *олий маълумот, фан номзоди дипломлари ва доцент (катта илмий ходим) аттестатининг тасдиқланган нусхаси;*
- *меҳнат дафтарчасининг тасдиқланган нусхаси;*
- *тиббий маълумотнома (086-шакл);*
- *4х6 ҳажмдаги 4 та фотосурат;*
- *паспорт ва ҳарбий билет шахсан кўрсатилади.*

***Ҳужжатлар 2007 йил 15 октябргача қабул қилинади.***

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, «Кичик халқа йўли», 7-уй, аспирантура ва докторантура бўлими. Телефонлар: 134-76-31, 134-55-38.

